

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI
NAMANGAN MUHANDISLIK – QURILISH
INSTITUTI**



**“ZAMONAVIY ARXITEKTURADA CHIZMA
GEOMETRIYA MASALALARINI QO‘LLASH
MUAMMOLARI VA YECHIMLARI”**

**mavzusida vazirlik miqyosida ilmiy-amaliy konferensiya
materiallari to‘plami**

Namangan shahri
27-28 may 2022 yil

1. Бахтин, М. М. Эстетика словесного творчества / М. М. Бахтин. – М.: Наука, 1979.
2. Быстрова, Е. А. Коммуникативная методика в преподавании родного языка / Е. А. Быстрова // Русский язык в школе. – 1996. – № 6. – С. 3–8.
3. Гальперин, И. Р. Текст как объект лингвистического исследования / И. Р. Гальперин. – М.: Наука, 1981.
4. Давыдов, В. В. Теория развивающего обучения / В. В. Давыдов. – М.: Педагогика, 1994.
5. Зарубина, Л. М. Текст: лингвистический и методический аспекты / Л. М.

**ТЕРМОДИНАМИКА: «ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛЕРИ ЦИКЛЛАРИ»
МАВЗУСИНИ ЁҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

кат.ёқ. К.С.Нарзуллаев (НамМҚИ)

Сифатли таълим бериш ва замонавий талабларга мос кадрлар тайёрлашнинг мукамал услублари ва самарали йўллари излаш доимий равишда давом этиб келмокда.

Ҳозирги кунда педагогик технология ҳақидаги аниқ тушунча ва тасаввурлар бор бўлсада, уни хусусий методикалар билан тенглаштириш ҳоллари учрайди. Аслида эса улар орасида жиддий фарқлар мавжуд бўлиб, қуйида улар ҳақида қисқача баён қилинади. Педагогик технология - ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир. Методика - ўқитувчининг билими, кўникмаси маҳорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлиқ бўлиб, маълум шахс ўқитувчи учун қулай бўлган ўқитиш усуллари ва йўллари мажмуасидир[1].


Янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнига жорий этиш кўламини кенгайтириш, бу йўналишда илғор тажрибаларни татбиқ этиш, млмий ва млмий-методик ишларда, шунингдек, ўқув тарбия жараёнида замонавий педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этилишига эришиш, таълим тизимини зарур ахборот воситалари билан етрали даражада таъминлаш, таълим муассасаларини коммуникацион тармоқларга боғлаш каби вазифалар муҳим ҳисобланади[2].

Техник фанларни ўқитишда уйғунлашган ҳолда талабалар учун тайёрланган назарий маълумотлар матни (маъруза, амалий машғулотлар учун), матнда фойдаланилган тушунча, таърифлар ва атамаларнинг изохларини келтириш, матнни бойитиш ва инфорацион тўлиқлигини таъминлаш учун турли жадваллар,

графиклар ва шакллардан фойдаланиш мавзунини талабалар томонидан 50% ўзлаштиришга имконият яратса, қўшимча равишда интерфаол услубларни қўллаш, яъни «Кейс-стади», «Блиц-сўров», «Моделлаштириш», «Ижодий иш», «Муносабат», «Режа», «Сухбат» ва бошқалар; стратегиялар: «Ақлий хужум», «Бумеранг», «Галерея», «Зиг-заг», «Зинама-зина», «Музёраш», «Ротация», «Т-жадвал» ва ш.к.; график органайзерлар: «Балиқ скелети», «БББ», «Концептуал жадвал», «Венн диаграммаси», «Инсерт», «Кластер», «Нима учун?», «Қандай?» ва бошқаларни мавзуга боғлаб амалий ишлатиш, мавзуга оид тестлар тузиш ва дарс жараёнида қисқача фойдаланиш, мустақил ўзлаштириш учун назорат саволларини тузиш, энг асосийси мавзуга оид видео филмлар намойишини ташкил этиш ва уни муҳокама этиш таълим самарадорлигини 90% га оширади ва олий таълим муассасалари олдига қўйилган ҳозирги замон талаблари даражасида кадрлар тайёрлаш вазифасини бажаришга имконият яратади [3].

Бундан ташқари, талабаларда инглиз тилини ўрганишга бўлган қизиқишларини шакллантириш, уларда чет эл замонавий адабиётларидан фойдаланиш, Интернет тармоғи инфорацион ресурсларини таълимда тўлиқ қўллаш имкониятларини яратади [4].

Қуйида дарс жараёнини самарали ташкил этиш учун ўқитувчи томонидан талабалар билимларини дарс бошида аниқлаш учун яратилган «Блиц сўров» услуги тақдимоти келтирилган, 1-расм.



1-расм. Ички ёнув двигателлари цикллари мавзусини ўқитишда «Блиц сўров» услубини қўллаш

Талабаларда тахлилий қўникмаларни шакллантириш, ўтилган назарий маълумотларни тўлиқ ўзлаштириш мақсадида «Т-схема» услубини қўллаш тақдимоти, 2-расмда келтирилган. Талабалар ушбу услубда двигателларнинг камчиликлари ва ютуқлари билан тахлилий мушоҳада этиш орқали танишадилар.

Ўз назарий билимлари асосида танқидий таҳлил кўникмаларини шакллантирадилар.



2-расм. Ички ёнув двигателлари цикллари мавзусини ўқитишда «Т-схема» услубини қўллаш

Хулоса қилиб айтганда, албатта инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш таълим сифатини оширади, талабада масулиятни ҳис этиш, жавобгарлик каби кўникмаларни шакллантиради. Шу билан бирга, ушбу таълим технологиялари билан бир қаторда мультимедияли таълим воситалари, мавзуга оид видеофильмлар билан жарс жараёнини бойитиш мавзуни тўлиқ ўзлаштириш учун асос бўла олади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Жуманиёзова М.Т. «Илғор педагогик технологиялар ва уларни амалда қўллаш». [Электрон ресурс]. URL: <https://staff.tiiame.uz/storage/users/83/books/bCQPoLie2IFjRqFKs22kt4q330SU3sFCi9dRDEyn/>. (дата обращения: 13.05.2022).

2. Омонов Х.Т. ва бошқа. Педагогик технолгиялар ва педагогик махорат. Дарслик. Тошкент давлат молия институти. Тошкент 2012. 191 б.

3. Narzullayev K.S. Texnik fanlarni o'qitish samaradorligini oshirishda multimedia vositalari va interfaol uslublarni uyg'unligi. T.N.Qori Niyoziy nomidagi O'zbekiston Pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot institute «Uzluksiz ta'lim» ilmiy-uslubiy jurnali. Maxsus son. 2021 y. 75-80 betlar.

4. Нарзуллаев К.С. Роль английского языка в вопросе создания гибкой учебной системы.//Ўзбекистон Республикаси Призиденти хузуридаги Давлат бошқарув академияси. «Бошқарув компетенцияларини ривожлантиришда чет тилларни ахамияти». Республика илмий амалий конференция материаллари. Тошкент 2016 й. 168-170 бетлар.

*преп. О.А. Вахобова, д.ф.т.н (PhD) А.Хамзаев, магистрант Эшматова. М.
(НамИСИ)*

ТЕРМОДИНАМИКА: «ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛЕРИ ЦИКЛАРИ» МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	469
---	-----

кат. ўқ. К.С.Нарзуллаев (НамМҚИ)

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ	472
--	-----

кат. ўқит. Пулатова. Х. Х. (НамМҚИ)

RAQAMLI IQTISODIYOTDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARINING O'RNI VA VAZIFASI	475
---	-----

katta o'qituvchi N.M.Mallaboyev, o'qituvchi D.D.Bogijonov (NamMQI)

MA'RUZA DARSLARIDA AXBOROT TEKNOLOGIYALARINING O'RNI	477
--	-----

magistrant Karimova Dilfuza Abduraxmat qizi (NamMQI)

O'QUVCHILARGA CHIZMACHILIKNI O'QITISHDA SINFDAN TASHQARI MASHG'ULOTLARINING TUTGAN O'RNI	479
---	-----

*o'qit. Bekqulov Q.Sh, talaba Ismatullayeva M.G', Barakayeva Ch.S, Maxkamova G. A,
Olimova Z. I. (ChDPI)*

PERSPEKTIVA FANINING TASVIRIY SAN'AT BILAN INTEGRATSIYASINING ILMIY ASOSLARI	482
---	-----

o'qit. Omonova R. R. (TerDU)

ТАЛАБАЛАРДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	485
---	-----

асс. Шомуродов Ш. Ш. (ҚарМШИ)

ПРИ РЕШЕНИИ ЗАДАЧИ ТЕХНОЛОГИЯ ТКАЧЕСТВА С ПРИМЕНЕНИЕМ МАТЕМАТИЧЕСКИХ МЕТОДОВ	489
---	-----

*З.А. Шодмонкулов (Ташкентский институт текстильной и легкой
промышленности)*

